O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 5 MART ◆ SESHANBA ◆ №28 (26.887)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 март куни Оқсаройда Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайни қабул қилди.

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари у орқали Афғонистон халқига ҳурмат-эҳтиром изҳор этди.

— Зеро афғон халқи деганда, асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб, ҳар томонлама алоқада бўлиб келган инсонларни тушунамиз, — деди Ислом Каримов. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жуда кўп синовларни, кўплаб мусибатларни бошдан кечирган афғон халқининг иродаси букилгани йўқ. Узоқ йиллик ғам-ташвишлар унинг озод ва фаровон келажакка ишончини сўндира олмади.

Қайд этмоқ лозимки, қўшни халқнинг ташвишини енгил қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. БМТ Бош ассамблеясининг сессияларида бу муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қаратди. «6+2» гуруҳи тузилишининг ташаббускори ҳам Ислом Каримовдир. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етгач, ўта оғир шароитда ҳаёт кечираётган афғонистонликларга ёрдам сифатида юборилаётган озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларнинг салмоқли қисми Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтмоқда. Ўзбекистон мурувват қўлини чўзишда ҳам четда қолаётгани йўқ. Хусусан, Ҳамид Карзайнинг юртимизга ташрифи чоғида умумий баҳоси 350 минг АҚШ долларига тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситаси Афғонистонга берилди.

Меҳмон бундай кўпдан-кўп ёрдамлар, Афғонистон Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг афғон муаммосига муносабатини, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги халқаро ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини юксак даражада қадрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан, аввало, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам манфаатдордир. Бу бизга катта-катта коммуникациявий магистраллар ва жаҳон бозорига чиқишнинг муқобил йўлларини очиш имконини беради. Учрашувда Ҳамид Карзай Афғонистон ҳам минтақамиз давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканини ва бундан жуда манфаатдорлигини яхши англашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият, ушбу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш, икки томонлама муносабатлар кўламини кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ **(ЎзА)**

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК — ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Кейинги пайтларда дунё оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилиб, икки томонлама алоқалар фаоллашиб бораётгани ҳақида тез-тез тилга олинадиган бўлди. Лекин бу фаоллашув ўз-ўзидан бўлмагани, унинг асосли сабаблари борлиги барчага маълум.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг илк йиллариданоқ барча давлатлар қаторида АҚШ билан ҳам ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик иқтисодиёт соҳасида, айниқса, яққолроқ кўзга ташланади. Юртимизда АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Зарафшон-Ньюмонт», «ЎзКейсмаш», «Ўздунробита», «Мармар» каби кўплаб қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин, аниқроғи, халқаро аксилтеррор каолициясининг террор ўчоқларини йўқ қилишга қаратилган ҳарбий тадбирлари бошлангандан кейин бу ҳамкорликда қатъият ва узоқ муддатга

(Давоми 2-бетда)

АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ТАШРИФИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай бошчилигидаги делегация 3 март куни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги тарихий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, йўл қурилиши, транспорт, илмий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар минтақавий хавфсизлик, террорчилик ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ҳ. Карзай Афғонистонда халқаро террорчиликка қарши кураш сўнгги босқичга кирганини айтиб, жиноятчи тўдалар деярли яксон қилингани ва мамлакатда аста-секин тинчлик қарор топаётганини таъкидлади.

— Тан олиш керак, Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган урушнинг тугатилиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишида қўшни Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси бор, — деди меҳмон. — Айниқса, бунда Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентингиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, неча бор Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббусларни илгари сургани барчага маълум. Жумладан, Ислом Каримов ташаббуси билан тузилган «6+2» гуруҳининг Афғонистондаги сиёсий гуруҳлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ва мамлакатда барқарорликни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Бугун Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

4 март куни афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон Олий Мажлисида бўлиб, парламент раиси Эркин Халилов ҳамда қўмиталар ва фракциялар вакиллари билан учрашди. Афғонистон делегацияси раҳбари йиғилганларга Ўзбекистон-Афғонистон муносабатлари ва муваққат ҳукумат томонидан мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Шу куни пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида «ЎзДЭУавто» ва «СамКочавто» қўшма корхоналари томонидан Афғонистонга ажратилган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу ёрдам ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 350 минг АҚШ долларига тенг 18 дона енгил ва юк автомобилларидан иборат.

Юртимизга ташрифи давомида афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлди. Шунингдек, Хотира майдонини зиёрат қилди.

■ **(ЎзА)**

АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ РАИСИ ҲАМИД КАРЗАЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТ

2002 йилнинг 2-4 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

И.Каримов ва Ҳ.Карзай музокаралар ўтказиб, унда ўзбек-афғон муносабатларининг аҳволи, уларни ривожлантириш истиқболлари, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш ҳамда бошқа долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этдилар.

Музокаралар дўстона, ўзаро бир-бирини англаш ва амалий муҳитда ўтди.

Томонлар ҳар икки давлат ва халқни асрлар давомидаги тарихий муштараклик, диний ва маданий қадриятлар боғлаб туришини таъкидладилар. Афғонистон заминида Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Машраб каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ўрта аср давридаги давлат арбоблари ва бошқа улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилганлар. Уларнинг номлари ва шарафли ишлари Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари учун бениҳоят қадрлидир.

(Давоми 2-бетда)

АМАЛИЙ СЕМИНАР

2002 йилнинг 1 март куни Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашида Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мавзуидаги амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари, йирик БПТ котиблари, партиядан сайланган депутатлар иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши биринчи котиби Қаҳрамон Юсупалиев Гулистон шаҳрида ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини йўналтириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида ахборот берди, Марказий Кенгаш масъул ходими Собиржон Усмонов, Сирдарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Дўстмурод Қулматовларнинг ички партиявий ишларни яхшилаш, «Қарияларни қадрлаш йили»да партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги сўзлари тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов нутқ сўзлади, Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев иштирок этди.

Йиғилишда маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Покистонда душанба куни эрталаб яна ер силкиниши рўй берди. Маҳаллий сейсмостанциянинг аниқлашича навбатдаги зилзила 5,4 баллни ташкил этган. Талафотлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

✧✧✧

Reuters агентлигининг хабар беришича, кеча бир неча юз хитойликлар мамлакатдаги йирик шаҳарлардан бири Дацин кўчаларида норозилик намойиши ўтказган. Улар шаҳардаги давлатга қарашли йирик нефть компаниясини қуршаб олиб, ҳукуматга аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда ишсизликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талабини қўйишмоқда. Намойиш Хитой парламентининг навбатдаги сессияси олдидан уюштирилган.

✧✧✧

Бугун Россия Президенти Владимир Путин Москвада меҳмон бўлиб турган Германия собиқ канцлери Гельмут Колни қабул қилади, дея хабар қилади «Новости» ахборот маҳкамаси.

✧✧✧

France-Presse тарқатган хабарларга кўра, душанба куни Афғонистондаги антитеррористик операциялар пайтида Халқаро Миссия кучлари биринчи маротаба Франциянинг «Mirage-2000» қирувчи самолётларидан фойдаланишган.

✧✧✧

Кеча Филиппиндаги Америка ҳарбий бўлинмалари ҳамкорликда «Абу-Сайёф» экстремистик гуруҳига тегишли базаларни қидириб топиш бўйича асосий операцияни бошлади.

✧✧✧

Франция пойтахтида евро бўйича яна бир йирик ўғирлик содир этилди. Кеча эрталаб 15 нафар қуролланган гуруҳ 6 миллион еврони ўмариб кетишган.

ИСТЕЪДОДЛАР МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, ҚУДРАТИ ВА ФАХР-ИФТИХОРИДИР

ИҚТИДОРЛИ-ИХТИРОЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ БИЗНИНГ ЁШЛАРИМИЗ ҲЕЧ КИМДАН ҚОЛИШМАСЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ

Суратдаги бу ёшларга каранг, бўйи-бастини кўриб ҳавасингиз келади. Ватан келажаги, миллат таянчи шулар. Эртага шулар энг юксак чўққиларни забт этади. Эртага шулар мамлакатни беназир юксалиш, тараққиёт сари элтадилар, миллатнинг янада фаровон яшашини таъминлайдилар.

Пойтахтда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасида истеъдодли ўқувчиларнинг биринчи республика анжумани бўлиб ўтди.

Бу ҳақдаги материални 2-саҳифада ўқийсиз.

МУАММО, МУЛОҲАЗА...

«ТАХТАҚОРАЧА» ДОВОНИДАГИ ЙЎЛ

БИР НЕЧА ВИЛОЯТНИ ЎЗАРО БОҒЛАЙДИГАН ЭНГ ҚИСҚА МАСОФА. ЛЕКИН УНДА АНЧА-МУНЧА МУАММОЛАР ҲАМ МАВЖУД

Эсимни танибманки, Самарқанд ва Китобни боғловчи машҳур «Тахтақорача» довонидан қатнов тўхтаганини эсолмайман. Бу йил январнинг охирларида ёққан қор ва совуқдан кейин бир майдон довон йўлидаги қатнов тўхтади. Бундан Самарқанд, Тошкент ва бошқа манзилларга йўловчи ташувчи ҳайдовчилар анча асабийлашишди.

— Китоб автобекатидан Самарқанд марказигача 90-92 километр, — тушунтиради ҳайдовчилардан бири. — Йўл ёпилгач, Жом қишлоғи орқали ўтаяпмиз, масофа 188 километрдан узоқроқ. Вақт икки баробар, бензин икки баробар кетаяпти. Лекин биз йўл ҳақини оширганимиз йўқ. Одамларга оғир тушади.

— Самарқандда ўқийдиган ўғлим касалхонада экан, — тоқатсизланади бир йўловчи. — Булар айланма йўлдан борамиз, дейишяпти. Мен тезроқ, етсам дейман...

Бир-бир ярим соатга қолмай Самарқандга етиб боришни мўлжал қилган йўловчининг шошилаётгани ёки ортиқча ёнилғи исрофидан оғринаётган ҳайдовчининг эътирозини тушунса бўлади. «Тахтақорача» довони энг яқин ва қулай йўл. Хўш, нега транспорт қатнови маълум муддат тўхтатиб қўйилди?

Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Қашқадарё вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси алоҳида йўл-патруль хизмати батальонига қарашли 2-отряд бошлиғи, милиция майори Алламурод Кўзиевга мурожаат қилдик.

— Бизнинг тузилмамиз Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ,

(Давоми 2-бетда)

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК – ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

мўлжалланган муносабатлар тамойиллари янада яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Ўзбекистон террор хуружини бошдан кечирган давлат сифатида оламшумул тадбирдан четда қолиши мумкин эмасди. Яъни, тарихнинг ана шундай бурилиш даврида Ўзбекистон ҳам муҳим ўрин эгаллашини давр тақозо этганди. Шундай пайтда Президент Ислом Каримов узоқни кўзлаб, оқилона сиёсат юритгани, қатъий қарор қабул қилгани Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширди.

Халқаро терроррга қарши курашда юртимиз тутган дадил ва принципиал позиция Президентимизнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёноти ва ЎзА мухбири саволларига берган жавобларида ўзининг яққол ифодасини топди. Бу Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар мамлакат эканини, террорга қарши курашда барча ҳурфикр халқлар билан яқдиллигини яна бир бор намойиш этди.

Воқеаларнинг ривожи Ўзбекистон АҚШ билан нафақат терроррчиликка қарши курашда, балки иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳам ишончли шерик бўла олиши мумкинлигини исботламоқда. Бунга сўнгги икки ой ичида АҚШ ҳукуматининг юртимизга ташриф буюраётган нуфузли делегациялари иштирокида турли жабҳаларда кечаётган ўзаро мулоқотлар яққол далилдир.

АҚШ делегацияларининг дастлабки ташрифлари Афғонистондаги ҳарбий тадбирлар билан боғлиқ бўлса, кейингилари Оқ уйда Ўзбекистон билан бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенгайтириш истаги кучайиб бораётганини кўрсатди. Биргина мисол, декабрь ойи бошларида АҚШ давлат котиби Колин Пауэл раҳбарлигидаги АҚШ ҳукуматининг нуфузли делегацияси юртимизга ташриф буюрди. Бу ташриф чоғида иқтисодий соҳада ҳам кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Колин Пауэл Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши бошлаган курашини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистонга ташаккур изҳор этгани келганини айтганди. Бу ташаккур нафақат Оқ уй маъмурияти, балки террор даҳшатини бошдан ўтказган барча америкаликларнинг дил изҳори эди.

Ушанда АҚШ давлат котиби Президентимизга Оқ уй раҳбари Жорж Бушнинг мактубини топширди. Унда Ислом Каримовга табрик ва салом йўлланган, шунингдек, Вашингтонда учрашиш умиди билдирилган эди. Мазкур учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Ислом Каримов бу таклифни мамнуният билан қабул қилишини, Вашингтонда нафақат Президент Жорж Буш, балки Конгресс аъзолари, ишбилармонлар, умуман, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига дахлдор доиралар вакиллари билан учрашажагини таъкидлади ва ўзаро алоқаларимиз ҳар томонлама ва изчил ривожланишига умид қилишга асос етарли эканини айтди.

Ўша матбуот анжуманида кейинги кунларда кўп учраётган бир саволга аниқ жавоб қайтарилди. Айримлар АҚШнинг Ўзбекистон ёки бошқа бирор мамлакат билан муносабатларидаги ўзгариш вақтинча экани, аксилтеррор операциялари ниҳоясига етгач, бу илиқлик барҳам топишини ўзларича башорат қила бошлаганди. Ушанда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари икки мамлакат манфаатларига мос тарзда узоқ муддатли асосга қурилаётгани алоҳида таъкидланди. 11 сентябрдан кейин тубдан ўзгараётган муносабатлар тактикавий зарурат эмас, ҳаёт тақозоси экани айтилди.

Кейинги воқеалар ана шу таъкидларнинг тўғри эканини кўрсатмоқда. АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман, АҚШ сенаторлари Карл Левин, Жон Уорнер ва Томас Дэшл, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Хорижий операциялар бўйича қўмитаси раҳбари Жим Колби, АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигидаги катта-катта делегациялар келиб кетди. Меҳмонларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни АҚШнинг ҳар томонлама ишончли ҳамкори бўла олишига ишонч билдиришини таъкидлади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ана шундай ишончли ҳамкорликнинг амалий жиҳатига яна бир мисол. 14 декабрь куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг «АББ Лиммус Глобал» компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди. Бу пайтда мамлакатимиз саноатимизда юз бераётган катта воқеа арафасида эди. Аниқроғи, Қашқадарёдаги Шўртан газ-кимё мажмуининг тантанали очилишига қизғин тайёргарлик бораётган эди. «АББ Лиммус Глобал» компанияси эса ушбу корхонанинг бунёд этилишида замонавий технологиялари билан фаол иштирок этди. Бундай ҳамкорлик халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам амалга оширилмоқда.

Қисқа айтганда, янги аср биз учун Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро муносабатларнинг чуқурлашуви, халқларимизнинг янада яқинлашуви кучайган бир тарихий давр сифатида бошланди. Бу яқинлашув мамлакатларимиз қудрати, халқларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун жуда зарурдир. Бу Ўзбекистонда ҳам, АҚШда ҳам ҳар доимгидан кўра яққолроқ ҳис этилмоқда.

■ (ЎзА)

АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ РАИСИ ҲАМИД КАРЗАЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Томонлар изчиллик билан ҳар томонлама яхши қўшничилик, биродарлик ва дўстона алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган букилмас иродаларини таъкидладилар ҳамда икки давлат ва халқнинг туб манфаатларига жавоб берувчи турли соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари ва йўналишларини белгилаб олдилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон келажакда ҳам ўзаро манфаат, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, чегаралар дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлик, суверенитет ва мустақилликни ҳурмат қилиш принципларига асосланган янада яқин ва изчил ҳамкорлик йўлида давом этишга мустаҳкам ишонч билдирдилар.

Ҳ.Карзай Ўзбекистоннинг изчил ва принципиал сиёсати, хусусан, 20 йилдан кўпроқ давом этган қонли можарони ҳал этишга жаҳон ҳамжамиятини даъват этиб, Афғонистон масаласини ечиш бўйича аниқ ва муҳим ташаббуслар билан чиққани учун Ўзбекистон халқи ва шахсан Президент И.Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Бу ўринда ҳар икки томон Афғонистон билан чегарадош олти давлат — Эрон, Покистон, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатлари аъзо бўлган «6+2» мулоқот гуруҳининг ижобий ролини таъкидлаб ўтдилар. 1999 йилнинг июлида бўлиб ўтган Тошкент конференцияси ва унда қабул қилинган Декларация ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Томонлар Афғонистондаги халқаро терроризм тизимини яксон қилиш бўйича Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги халқаро иттифоқни тўла қўллаб-қувватлашларини билдирдилар ва ҳар қандай шаклдаги халқаро терроризмга кескин қарши чиқишлари, бу ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши курашнинг кенг қамровли тизимини яратишда жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилишларини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқаро наркобизнесни жаҳон ҳамда минтақавий хавфсизликка таҳдиди миқёсини идрок этган ҳолда, БМТ ҳомийлигида Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Департамент дастурлари доирасида гиёҳванд моддаларни ноқонуний айлантиришга қарши курашда фаол ҳамкорлик олиб борадилар.

Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳ.Карзай афғон халқига инсонпарварлик ёрдами етказиб беришдаги ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари ва амалий тадбирлари учун Ўзбекистон томонига Афғонистон халқи номидан миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга инсонпарварлик юкларини етказиб беришда Амударё кўприги ва Термиз дарё портидан фаол фойдаланилмоқда.

Томонлар Афғонистонни иқтисодий қайта тиклаш бўйича Бонн ва Токио конференциялари натижаларини юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон Ҳ.Карзай раҳбарлигидаги Афғонистон Муваққат ҳукуматини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳон ҳамжамиятининг можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш, Афғонистонда ўз қўшнилари ҳамда халқаро ҳамжамият билан уйғунликда яшовчи давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаши ва бу жараёнларда фаол иштирок этишга тайёрлигини изҳор этди.

Томонлар Афғонистон ҳудудида саноат, ирригацион, қишлоқ хўжалиги иншоотларини қуриш, Ўзбекистон транспорт коммуникацияси инфраструктурасидан фойдаланиш, кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш каби соҳаларда ўзбек-афғон ҳамкорлигининг бой тажрибасини таъкидладилар ва икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга интилишларини билдирдилар.

Томонлар савдо-сотиқни, шу жумладан, чегарабўйи савдосини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг тижорат тизимлари ўртасида самарали ҳамкорлик ва мулоқотлар ўрнатилишига муҳим аҳамият берадилар.

Томонлар Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳ.Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифини самарали натижалари муҳим босқич ҳисобланишига ва ўзбек-афғон ҳамкорлигининг кенгайиши ва ривожланиши учун янги имкониятлар яратишига ишонч билдирадилар. Томонлар бундан кейин ҳам икки халқ манфаатлари йўлида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳамкорлик олиб борадилар ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга ҳаракат қиладилар.

Ҳ.Карзай меҳмондўст ўзбек заминида кўрсатилган илиқ ва самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

2002 йилнинг 4 мартида Тошкент шаҳрида қабул қилинди.

ИСТЕЪДОДЛАР МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, ҚУДРАТИ ВА ФАХР-ИФТИХОРИДИР

ИҚТИДОРЛИ-ИХТИРОЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ БИЗНИНГ ЁШЛАРИМИЗ ҲЕЧ КИМДАН ҚОЛИШМАСЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ

Совриндорлар ҳаяжонли лаҳзаларда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, кейинги вақтларда ўқувчиларнинг табиий фанларга бўлган қизиқишлари бироз сусайиб кетганди. Аксарият ўқувчилар юрист, иқтисодчи ёки дипломат бўлишга интилишади. Бу яхши. Бироқ бугунги кунда мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишини таъминлашимиз учун барча соҳалар қаторида энергетика, электроника, техника ва кимё, биология ҳамда экология соҳаларидаги истеъдод соҳибларини юзага чиқариш жуда муҳим.

Асосийси, миллий дастурда ислоҳот туфайли юзага келган таълим муассасалари (академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари) тўғридан-тўғри олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилишлари кўзда тутилганди. Бу ҳамкорликнинг маъноси эса табиий фанларни ўқитишда таълим билан фаннинг уйғунлигини таъминлашдан иборат. Мазкур анжуман эса ҳамкорлик учун қўйилган дастлабки дадил қадам бўлди.

Анжуманга республикадаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва лицей-интернатларда сабоқ олаётган мамлакатнинг турли бурчакларидан 150 нафар ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртининг академик, профессорларидан иборат 40 нафар олимлар конференция ишида танлов ҳайъати аъзоси сифатида қатнашдилар.

Конференцияда ўқувчилар «Ёш физик ва информатиклар», «Ёш химиклар», «Ёш биологлар» шўъбаларига тақсимланиб фаолият юрита бошладилар. Шўъба мутасаддилари иштирокчиларнинг илмий савияси, мустақил фикрлаш даражасини имтиҳон қилиб, кучлилар ичида энг кучлиларини саралаб олишди.

Қ. Турсунметов, Ўзбекистон Миллий университетининг профессори, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Мазкур анжумандан кутганимдан ҳам ортиқ таассурот олдим. Ўқувчиларнинг назарий ва амалий ишлари ҳақиқий илмий янгиликдир. Келгусида улардан мамлакат тараққиёти учун фойдаланиш мумкин. Биргина мисол. Жиззах тиббиёт коллежининг талабаси Шоҳида Мўминова оқава сувларни сув ўтлари ёрдамида тозалаш хусусида иш тақдим этибди. Илмий ишнинг мантиқий ва ҳаётий ҳақиқатлар асосида пухта ўзлаштирилганлиги кўпчилигимизни ҳайратлантирди.

Б. Йўлдошев, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов номли академик-лицей директори:

— Анжуманда иқтидорли ўқувчиларнинг илмий-ижодий изланишлари чуқур таҳлил этилди. Ёшларни мустақил фикрлашга, билимларини такомиллаштиришга даъват этиш тадбирнинг асосий мақсади эди. Ана шу мақсадга эришилди, дейиш мумкин. Ўқувчилар биз ўйлагандан ҳам иқтидорли эканлигини таъкидламоқчиман.

Р. Мўминов, академик, Давлат илмий-техника ахбороти фонди директори, «Ёш физик ва информатиклар» шўъбаси ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Дарҳақиқат, бу болаларнинг ҳар қайсиси ўзига хос экан. Булар тайёрлаган ишларни кўриб ўзга бир оламда юргандай ҳис этдим, ўзимни. Масалан, Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик-лицейининг 3-курс талабаси Абдуқаҳҳор Саидназаровнинг илмий иши гразент оптикаси (нурнинг нотекис таралиши) мавзуида. Ўқувчи ўз ишини шу қадар лўнда ва маъноли қилиб тушунтирдики, қойил қолмай иложинг йўқ.

Конференциянинг иккинчи кунида шўъбалар иши якун топди. Шўъба мутасаддиларининг хулосалари ўқиб эшиттирилди. Таърифга сиғмас, ҳаяжонли дамлар... Ва қуйидаги иштирокчилар анжуман ғолиблари сифатида эътироф этилди. Булар: Бухоро давлат университети қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Анвар Ёрмуҳаммедов, Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Муҳаммад Жамиев ҳамда 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Комила Юнусовалар ўз йўналишлари бўйича биринчи ўринга муносиб топилиб, замонавий компьютерлар билан мукофотландилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган совриндорлар ҳам муносиб тақдирландилар.

Анжумандан олинган қатъий хулоса шуки, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўз мевасини бераяпти. Натижада иқтидорли ёшлар юзага чиқаяпти. Асосий мақсад ҳам шу. Бизнинг ёшларимиз бошқалардан қолишмайди. Булар чет элларда Ватан, миллат шаънини баланд тутаётирлар ва баланд тутадилар. Зотан, Юртбошимиз орзу қилган ёшлар сирасига шулар киради. Бундан фахрланмай бўладими?..

■ Илҳом КАРОМОВ

Ёш иқтидорларнинг ихтиролари

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«ТАХТАҚОРАЧА» ДОВОНИДАГИ ЙЎЛ

БИР НЕЧА ВИЛОЯТНИ ЎЗАРО БОҒЛАЙДИГАН ЭНГ ҚИСҚА МАСОФА. ЛЕКИН УНДА АНЧА-МУНЧА МУАММОЛАР ҲАМ МАВЖУД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чироқчи, Қамаши туманларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиб боради, — дейди у.

— Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Қаерда йўл равон бўлса, ўша жойда транспорт воситасининг хавфсиз ҳаракати таъминланади. Янги, сифатли йўллар қуриляпти. Бироқ талаб даражасида бўлмаган йўллардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Чироқчи туманидаги Кўкдала-Косон, Қамаши туманидаги «Тўқбой» ва «Ғиштли» хўжаликлари ўртасидаги йўллар таъмирталаб. Сиз тилга олган «М-39» йўлининг «Тахтақорача» довонидан ўтадиган қисмида ҳам шундай камчиликларни кўриш мумкин. Йўл четидаги айрим хавфсизлик тўсиқлари тошдан терилган ва путурдан кетган. Бунинг устига ҳаракатга халақит берадиган кўплаб ошхоналар қуриб ташланмоқда. Довондаги ҳаракатни йўл қурилиши ташкилоти қиш мавсумида хавфнинг олдини олиш учун вақтинча тўхтатган.

— Бу халқаро тоифадаги автомобиль йўли, — эътироз билдиради «Китобавтойўл» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Холмаҳмат Овлақулов. — Вақтинча қатновни таъқиқлаш бизнинг ваколатимизга кирмайди...

Дарҳақиқат, қиш-қировли кунларда ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олиб, довондан вақтинча транспорт ҳаракати тақиқланганлигига эътироз билдириш мумкин эмас. Аммо автомобиль йўл-патруль хизмати ходимларининг мулоҳазасида ҳам жон борга ўхшайди. Дарҳақиқат, довон йўли шу кун талабларига жавоб бермаслигини ҳайдовчилару йўловчилар ҳам таъкидлашмоқда.

Бу машҳур довоннинг тарихи жуда узоқ, кимлар ўтмаган бу довондан. Баъзи тарихий манбаларда айтилишича, Александр Македонский қўшинлари ҳам шу довондан ўтган. Юрт-улус озодлиги йўлида машаққатли курашлар олиб борган, бобомиз Амир Темур Самарқанду Шаҳрисабз аро бу довондан неча-неча бор ўтган.. Довон тепасида алоҳида боғ қурдиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Пойи пиёда ёки улов ўтадиган сўқмоқлар транспорт ҳаракат қиладиган йўлга қачон айлантирилган?

Грузин йўлсозлар тайёрлаган лойиҳа асосида иккинчи жаҳон уруши арафасида бу довондан йўл очилган. Қиш кунларида шиналарига занжир боғлаб оладиган юк машиналари қатнайдиган, 32 та кескин бурилишдан иборат бу довон йўлидан бир неча бор ўтганман. Ҳар гал йўловчилар юрак ҳовучлаб туришарди.

Ҳозирги қисқа 20 километрли довон йўли олтмишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йилларнинг бошларида қуриб битказилган.

Бир неча қўшни мамлакатлар, жумладан Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларини бирлаштирган халқаро «М-39» йўлини ўзаро боғлаган «Тахтақорача» довони шу-шу эътиборга тушди. Тоғларнинг гўзал манзараси йўловчиларни ром этди. «Тахтақорача»да саратонда ҳам суви узилмайдиган муздек булоқлардан симириш мумкин. Шу туфайли у халқаро буклетларга ҳам киритилди. Хориждан келаётган сайёҳлар ҳам довондан ўтишни хуш кўришарди. Самарқанд ва Китобдан йўловчи тушган автобуслар оқими узилмасди.

Бироқ 1977 йилда республика Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармаси ва Автомобиль транспорти вазирлигининг қарори билан йўловчи ташийдиган транспорт воситалари қатнови таъқиқланди.

Ниҳоят, 1986 йилда Шаҳрисабз туман ижроия қўмитаси Геология-қидирув экспедицияси жамоасида ўтказган «очиқ хатлар» кунида масала яна кўндаланг қўйилди. Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармасининг Шаҳрисабз саёҳат ва экскурсиялар идораси ва шаҳар автомобиль назорати инспекцияси бўлимига 1986 йил 6 мартда юборган 24/4-255-сонли алоқа хатида техник нуқсонлар ва ҳаракат хавфсизлигига халақит берадиган етишмовчиликлар бартараф этилсагина йўловчи ташувчи транспорт воситалар қатновига рухсат берилиши кўрсатилганди.

1987 йилда довонда қисман таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Хавфсизлик йўлак»лари қурилди. Самарқанд вилояти йўлсозлари ҳам довоннинг ўзларига тегишли қисмини кенгайтиришди. Бироқ автобус қатнови амалга ошмади.

Фақат хусусий транспорт воситалари йўловчиларни довондан олиб ўтаяпти.

— Биз «М-39» йўлининг 30 километрида таъмирлаш ишларини олиб борамиз, — дейди «Китобавтойўл» ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Холмаҳмат Овлақулов. — Шундан 10 километрлик довон йўли III категория талабига жавоб беради. Қолган қисмига самарқандлик йўлсозлар қарашади. Ўтган йили 80 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажардик. Тош кўчиш хавфи таҳлил қилинган. Бу масалада юқори ташкилотларга мурожаат қиламиз. Чунки тошларни портлатиб кўчириш имкониятимиз йўқ.

— Ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси ходимлари довонда лойиҳасиз қурилган ошхоналарга ҳам эътироз билдиришмоқда, — сўраймиз. — Уларни қуришга ким рухсат берган?

— Йўл четидаги ерлар ўрмон хўжалигига қарашли. Лойиҳасиз қурилган ошхоналарни олиб ташлаш юзасидан Китоб туман ҳокимлигига мурожаат қилганмиз. Ошхона эгаларини огоҳлантирганмиз...

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат автомобиль назорати Низоми тўғрисидаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Ўзавтойўл» давлат концерни ҳамкорликда 1997 йил 24 апрелда тузган ва жойларга юборган «Йўриқнома» талаблари бузилмоқда. Унда йўлнинг қатнов қисмига яқин жойларда маиший ва савдо хизмати шаҳобчалари қурмаслик кўрсатилган эди. Узоқ йўл бўйларида овқатланиш ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари керак, албатта. Аммо улар ҳокимиятнинг рухсати билан алоҳида лойиҳа асосида, табиий шароитга мос равишда қурилса, ҳамма баҳраманд бўлади.

Яратганга шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошмоқда. Мамлакатимиз йўлсозлари энг замонавий ускуналардан фойдаланишмоқда. Қамчиқ довонидаги халқаро андозаларга мос йўлнинг ишга туширилиши мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Худди шундай йўллар Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам қурилмоқда.

«Тахтақорача» довон йўлининг ҳам ҳар иккала вилоятдаги қисмини янгидан таъмирлаш зарур кўринади. Довон йўлининг қатнов қисми ҳозир ўртача 7,5 метр. Хавфли илон изи бурилишлари 9 тадан ортиқ. Йўл четига хавфсизлик учун териб қўйилган тошдеворлар талабга жавоб бермайди. Тош кўчиш хавфи бартараф этилмаган.

Баҳор келди, ҳадемай ёз бошланади. Кейин эса куз, қиш. «Тахтақорача» довонида яна муаммо пайдо бўлади. Яна ортиқча ташвиш, ҳаражат...

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

СУРАТ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

ГУЛИСТОН ШАҲАР «ТАРАҚҚИЁТ» МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ ФУҚАРОЛАРДАН ТАҲРИРИЯТИМИЗГА ШИКОЯТ ТУШДИ:

Шикоят юзасидан шаҳар ҳокими Т.Рўзимбоев ҳузурига кирдик. «Бориб кўрасиз, 50-йилларда қурилган эски, қамиш босган, нархи 330 мингдан ошмайдиган уйлар. Бизда суратлари ҳам бор», дея у киши бир даста суратларни узатди.

Шаҳар бош архитектори А.Хўжакелдиев ва уй-жой бўлими бошлиғи А.Пардаевлар билан маҳаллага йўл олдик. Улар бизни «Туркистон» кўчасидаги 44-уйга бошлашди. Суратдаги қамиш босган ҳовли шу бўлса керак. Мана, ҳовлини сув босиб ётибди, бу санитар ҳолатга тўғри келмайди, деди А.Пардаев. «Сув йиғилиб қолишига биз айбдор эмасмиз, — эътироз билдирди ҳовли эгаси Валаханова. — Бозорда дренаж йўқ. Ундаги оқава сув бизнинг ҳовлида йиғилади. Шунинг учун, биринчи навбатда бозорни тартибга олиш керак».

Аҳмад Яссавий кўчасидаги 4 рақами қўйилган каттагина ҳовлида 50-йилларда эмас, 90-йилларда қурилган уйларга гувоҳ бўлдик.

Шу кўчадаги 6-уй. «Ҳовлим 9 сотих. Бу ёқда 7 хона, яна майда-чуйда 4 хонали қурилишларим, молхонам бор. Манави ерга экин экаман. Кўриб турибсиз, уйимнинг ҳолати яхши. Ё бозор ҳудудидан сотиш учун ер ёки кўп қаватли уйдан жой берамиз, дейишяпти. Бу биринчидан, жудаям арзон баҳо, иккинчидан, қайси қонун-қоидага тўғри келади? Ҳовли-жойимиз баҳосига тенг уй-жой билан таъминлаш қонун талаби эмасми?». Ҳовли эгаси У.Тюмебаев эътирозларининг мазмуни шу.

«Туркистон» кўчаси 46-уйда яшовчи Акрамҳожи Кўпайсинов кўчишларинг керак, ариза ёзинглар деб келишганда саводи йўқлиги учун аризани уй-жой бўлими бошлиғи ёзиб берганлигини, ўзи эса имзо қўйганлигини айтди: «Менинг номимдан ёзилган аризада уйимни сув босган, санитария ҳолати ёмон, дейилган экан. Кўриб турибсиз, ҳовлимни сув босгани йўқ. Баъзи хоналарни 4 йил илгари қурдим».

«Уйим 15 хонадан иборат. Бу уйимни 1992 йили қурганман. Ҳокимият қарор чиқариб берган. Шу пайт айтса бўлар эди-ку, маҳалла ҳали бузилади, деб. Мен ҳам овора бўлиб қуриб ўтирмасдим. Биласиз, уй қуриш учун қанча югуриш, қанча ҳаракат қилиш керак. Бизни кўчирмоқчи бўлинаётган уйлар шуларга арзирмикан, мени мана шу нарса қийнайди. Қаранг, яқинда БТИдан келиб шу катта ҳовлини 1,6 миллионга баҳолашди. Демак, энди менга 1,6 миллион сўмга арзийдиган уй берилади-да, шундайми? Уйларимиз нархини сунъий ерга уриш-ку. Гулистондаги кўп қаватли уйлардан бу пулга икки хонали уй келадими-йўқми, худо билади. 8,5 сотих ҳовли, 15 хонали уй, ванна, ошхона яна майда-чуйда хоналар, жами 22 хона шундай баҳоланса, айтинг, адолатдан бўладими?» — дейди 36-уй эгаси С.Мўйдиновнинг фиғони чиқиб.

Гулистон шаҳар БТИ бошлиғи Н.Мирзалиева берган маълумотга кўра, маҳалладаги уйлар БТИ томонидан ўртача 800 000 сўм атрофида баҳоланган. Энг арзони 260 000 сўм, энг қиммати эса 2 281 000 сўм нархланибди. Баҳоланишнинг пасайишига сабаб бу ердаги кўп уйлар ҳокимияттдан рухсат олинмай қурилган экан. «Нархлаш қоидасига кўра бундай уйлар баҳоланмайди, — дейди Н.Мирзалиева. — С.Мўйдиновга ҳокимият эски иморати ўрнида уй қуришга рухсат берган. У киши эса ҳовлининг бошқа жойидан иморат тиклаган. Оқибатда улар ҳужжатга кирмай қолган».

> *«Маҳалламиз Гулистон шаҳар деҳқон бозори ёнида жойлашган. Ўтган йил декабрь ойида шаҳар ҳокимлигидан вакиллар келиб бозор кенгаяди, уйларингизни бузамиз, дейишди. Биз ободончилик ишига қарши эмасмиз. Мактаб ёки шифохона тушса чин дилдан рози бўлар эдик. Аммо уйимизни бозорни кенгайтириш учун бузишмоқчи.*
>
> *Аввало, уни кенгайтириш зарурмикин? «Туркистон» кўчасидан киргандаёқ чап томонда анча жой фойдаланилмай ётибди. Деҳқон бозори бўлишига қарамай бу ерда буюм расталари бор, темир-терсак шу ерда. Расталар қолиб, кўплар ерда савдо қилишаяпти. Ўзлари жой тор дейдилару, унинг ичига қатор-қатор дўконлар қуришга рухсат бериб юборадилар. Бозор уйларни бузмасдан тартибга олиниши мумкинку.*
>
> *Келган вакиллар ё бозор ҳудудидан ёки кўп қаватли уйлардан жой берамиз, дейишмоқда. Улар маҳалладаги эски уйларни ҳамда ерда савдо қилиб турган сотувчиларни суратга тушириб кетишди. Баъзи бирлардан уйимнинг ҳолати ёмон, шунинг учун кўчмоқчиман, янги уй беринглар, мазмунида гўёки кўчишни ўзимиз талаб қилаётгандек таассурот уйғотиш учун аризалар ёздириб олинибди. Уларнинг яхши уйлар туриб, атайлаб фақат эски уйларни ва ерда савдо қилаётганларни суратга тушириб кетганлиги бизда шубҳа уйғотди. Чунки билмаганлар суратга қараб бозорда жой йўқ ва бу маҳалладаги ҳамма уйлар шундай ҳолатда экан-да, деб хулоса қилишлари мумкин».*

Тўғри, шўро даври мероси бўлган қонун-қоидани билмаслик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Уйида янги қурилиш қилмоқчи бўлган одам ҳозир ҳам тегишли идорадан рухсат олиб келмаслигини биламиз. Чунки уй қурилаётганда эртага бузилиши мумкин, ҳужжатлаштириб қўймасам бўлмайди, неча пул сарф-лаганим ҳақидаги тўлов хатларини олиб қўйсам ўша пайтда асқотади, деган хаёлга бормайди баъзилар. Боз устига, уй ёки ҳовли шўро даврида кўпинча маҳаллий ҳокимият томонидан бузилар эди. Баҳолаш қоидалари ҳам шунинг учун улар манфаатига хизмат қилган. Н.Мирзалиева айтиши бўйича, баҳолаш БТИ томонидан 1991 йилдаги йўриқнома асосида амалга оширилар экан... Йўриқномада бозор олди, қулай жой деган сифатлар инобатга олинмайди. 1,5 миллионга эса Гулистондаги кўп қаватли уйлардан 3 хонали уй сотиб олиш мумкин.

Назаримизда, 180 га яқин фуқаро яшовчи 31 хонадон (А.Пардаев маълумоти) аҳволи билан ҳали тўлароқ танишилмаган кўринади. Чунки ҳокимдаги суратлар, етказилган маълумотлар уйларнинг реал ҳолати ҳақида тўла, объектив маълумот бермайди. Айнан мана шу ҳаракатлар норозиликка сабаб бўлмаяптимикин?

Маҳаллада кексалар, ногиронлар бор. Улар келган вакилларнинг қўпол муомала қилаётганлигини бизга бир неча бор таъкидлашди. Ҳар бир фуқаро билан ўзаро ҳурмат юзасидан муомала қилиш муомала маданиятига киради-ку!

Бозорда бўш ётган жойлар бор. Расталар қолиб ерда сотилаётган ҳолатларга гувоҳ бўлдик. Темир-терсак, эски-туски ва кийим-кечаклар анча жой олибди. Санитар ҳолат яхши эмас. Кенгайтириш режаси тузилаётган бир пайтда унинг ичида савдо дўконлари қурилмоқда. Яқин атрофда қурилган дўконларнинг ўзи ўттизга яқин. Шу нарсалар анча-мунча тушунмовчиликка олиб келаётгандай туюлди.

«Дўконлар бозорни тартибга олиш учун қурилган. Темир-терсаклар учун 4-микрорайондан алоҳида бозор қурганмиз. Негадир сотувчилар кўника олмаяпти», дея изоҳ беради бу ҳолга А.Хўжакелдиев.

Тўғри, республикамизнинг деярли барча шаҳарларида бозорлар замон талабларига мос равишда қайта қурилмоқда. Буни олқишлаш керак. Аммо бозор қайта қурилишини рўкач қилиб, исталган жойдан чизиқ тортиш ҳам маъқул эмас, албатта. Имкон қадар одамларга зиён келтирмайдиган йўл танланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни чоғда бузиш ишларини буйруқбозлик билан эмас, балки аҳолига ётиғи билан тушунтириш орқали бажариш керак эмасми?

Сафаримиз сўнггида шаҳар ҳокими, бош архитектор ва уй-жой бўлими бошлиғи билан суҳбатимиз хийла чўзилди. Биз ҳокимлик томонидан «Тараққиёт» маҳалласидагиларга ажратиш учун мўлжалланаётган 40 та хонадон бироз кам эмасмикин, деган фикрни айтдик. Улар эътирозимизни қабул қилди: «Гулистонни янада гўзал шаҳарга айлантиришни мақсад қилганмиз. Бозорнинг аҳволи ночор, деган гапингизга қўшиламан. Уни кенгайтириш, қўркам қилиш учун 3-4 лойиҳамиз бор. 31 хонадонга келсак, биз уларни хафа қилмаймиз. Мен бунга сўз бераман».

Умуман зарурат юзасидан уй-жойлар бузиладиган бўлса, уларнинг нархи қандай тамойиллар асосида белигиланади?

Ушбу саволга жавоб беришни ҳуқушунос М.Ханжаровдан илтимос қилдик: «БТИ йўриқномасига кўра бузилаётган уй бозор нархида эмас, давлат нархида баҳоланилади. Бу йўриқномада ҳокимиятдан рухсат олинмай қурилган қурилишлар ўзбошимчалик билан тиклаган иморатлар, деб топилади ҳамда баҳоланмайди. Лекин шундай баҳолашларда ҳам мулкнинг реал ҳолатидан келиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар ҳам мулк эгаси томонидан БТИга ёки қурилиш мутахассисларига мурожаат қилиниб, баҳоланиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 187-моддасига асосан ўзбошимчалик билан қурилган бундай иморатларга 15 йилдан ошган бўлса мулк эгаси ҳокимият ёки судга мулкка эгалик ҳуқуқини тиклашни сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир».

Суҳбатимиз сўнггида ҳокимлик вакиллари «Тараққиёт» маҳалласи фуқаролари билан шахсан бориб мулоқот қилмоқчи эканлигини айтишди. Зеро, суратларда кўргандан кўра кўз билан кўрганга не етсин. Ҳар ҳолда сурат бошқа, ҳаёт бошқа-да.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЗИЛЗИЛА ҲУДУДИ

Ўтган якшанба куни маркази Афғонистон — Покистон чегарасидаги Ҳиндикуш тоғида бошланган зилзила Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Тожикистон шу жумладан, республикамизда ҳам сезилди. Маълумотларга қараганда, зилзила марказига яқин тоғли ҳудудларда ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7.2 баллгача бўлиб, 90 секундгача давом этган. Reuters агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, кучли зилзила Афғонистонга бир қанча талафотлар келтирган. 30 дан ортиқ уй қулаб тушган, беш нафар киши қурбон бўлган ҳамда йигирмага яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.

Ер силкиниши Покистонга 6 баллгача, Тожикистонга 5 баллгача бўлиб етиб келган. Жабрланганлар йўқ.

АСИРЛАРГА ҚЎШИМЧА ШАРОИТ

Америка ҳукумати Гуантанамо асирларининг очлик эълон қилиб билдирган норозилигига жавобан, уларга қўшимча имтиёзлар яратишга қарор қилди. Биринчи навбатда, ҳарбий база қўриқчиларининг асирлар билан бўладиган муносабатлари қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Эндиликда, ҳар бир асир ўз устидан олиб борилаётган жиноий иш бўйича доимий равишда хабардор қилиб турилади. Улар адабий-бадиий китоблардан ташқари, турли диний китоблар билан ҳам таъминланади. Шунингдек, қурол яшириш эҳтимоли мавжудлигидан, асирларнинг базада салла ўраб юришларини таъқиқлаш бўйича чекловлар ҳам олиб ташланди.

Ҳарбий база командири генерал Майк Ленерт асирларга мурожаат қилар экан, улар иши одил суд томонидан кўриб чиқилишини ваъда қилди.

БУШ ЧОРШАНБАГАЧА ЎЙЛАБ КЎРАДИ

Икки кундан буён пўлат саноатининг минглаб ишчилари намойиш кўтариб Оқ уй олдига тўпланишмоқда. Улар Президент Жорж Бушдан импорт қилинадиган пўлат маҳсулотларига нисбатан қаттиқ таърифлар қўйишни талаб қилишмоқда.

Охирги йилларда Америка ички бозорига келтириладиган арзон пўлат маҳсулотлари мамлакатдаги мавжуд пўлат қуйиш заводларининг банкрот бўлишига олиб келмоқда. Оқибатда эса соҳанинг минглаб ходимлари ўз иш-жойларидан ажралмоқда. Американинг уч йирик штати асосан, пўлат саноатига ихтисослашганлиги эътиборга олинса, намойишчилар ҳукумат олдига катта муаммони кўндаланг қўяётганлигини англаш қийин эмас.

Ушбу масалани ижобий ҳал этиш анча мушкул кўринади. Агар ҳукумат намойишчилар талабига кўра импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан чекловлар қўядиган бўлса, бу бир қанча иқтисодий шу билан биргa сиёсий низоларни келтириб чиқариши мумкин. Биринчидан, АҚШ Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) аъзоси сифатида хориждан келтирилаётган маҳсулотларга бирор бир чеклашлар қўйиши мумкин эмас. Агар бундай йўл тутилса, энг аввало ушбу ташкилот бош кўтариб чиқади. Ўз навбатида Европа Иттифоқи ҳам ХСТга ён босади. Иккинчи томондан Америка ички бозорига пўлатни экспорт қилувчи асосий давлатлар бўлган Япония ҳамда Бразилия ҳам бунга жавобан АҚШ маҳсулотларига нисбатан ўз мамлакатларида худди шундай жавоб билан чиқиши мумкин.

Кўриниб турганидек, масала жуда чигал. Аммо, ҳукуматнинг бирор бир қарорга келиши учун чоршанбагача вақт бор.

Чекловларми ёки халқаро рақобатга киришишнинг ўзга йўллари-ми..., бу муаммони Президент Конгресс йиғилишида кўриб чиқадиган бўлди.

СИР ОШКОР БЎЛГАЧ...

Янги Зеландиянинг Окленда шаҳри аҳолиси марказий касалхона маъмурияти устидан ғалаён кўтаришди. Ғалаён касалхонада 300 дан ортиқ гўдак ички органлари сақланаётганлиги ошкор бўлгач келиб чиққан. Шаҳар аҳолиси бу ҳолатни разолатдан бошқа нарса эмас, дея баҳолашмоқда. Хабарларга қараганда, ушбу ички организмлар талабаларга машғулот пайтида кўрсатиш учун сақланаётган бўлиб, улар аборт орқали олиб ташланган ҳомилалардан тўпланган.

Ушбу ғалаёндан сўнг, касалхона маъмурияти ота-оналар рухсатисиз ҳомила органларни сақламасликка қарор қилди.

«ҚАРИЁТГАН» ЗАМИН

2050 йилга бориб, Ер юзи аҳолиси орасида ёши юздан ошганлар сони 3 миллионга етар экан. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 210 мингни ташкил этади. Ушбу маълумотларнинг барчаси БМТ томонидан 8-12 апрель кунлари Мадридда бўлиб ўтадиган Халқаро Ассамблея йиғилиши олдидан эълон қилинди. Бу рақамлар аҳоли ўртача умрининг ошиб бораётганлиги, инсонлар саломатлиги тобора яхшиланиб боришини кўрсатса, иккинчи томондан ер юзи аҳолиси борган сари қариб бораётганлигидан ҳам огоҳ этади.

Ассамблеянинг ушбу йиғилиши, айнан, туғилишнинг камайиб бораётганлиги ҳамда ер шари аҳолисининг кексайиб бораётганлиги муаммоларига бағишланади.



ИНФОРМАЦИЯ О ПРОВЕДЕНИИ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

ОАО «ТАШКЕНТ-ГУРУЧ»

Наименование общества — ОАО «Ташкент-гуруч».
Местонахождение общества — г. Ташкент. ул. Мухтара Ашрафи, 106.
Дата проведения собрания — 29 марта 2002г., время — 14.00.
Место проведения актовый зал ОАО «Ташкент-гуруч».
Дата закрытия реестра акционеров — 28 февраля 2002 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ СОБРАНИЯ:

1. Утверждение итогов финансовой деятельности ОАО «Ташкент-гуруч» за 2001 год и планов развития 2002 г.
2. Утверждение годового баланса и заключения аудиторской проверки.
3. Утверждение размера дивидендов, выплачиваемых по итогом 2001 года.
4. Утверждение отчета по ценным бумагам ЦБ 2
5. Утверждение отчета ревизионной комиссии по итогам работы 2001 г.
6. Утверждение Положений об Общем собрании, о Наблюдательным совете, об исполнительном органе, о счетный и ревизионной комиссий в связи с переименованием акционерного общества.
7. Довыробы в Наблюдательный Совет.
8. Довыборы в счетную комиссию.
9. Утверждение протокола Наблюдательного Совета о реализации магазина на Паркентском рынке и кафе «Бошок».
10. О поощрении членов ревизионной и счетной комиссии по итогам работы за 2001 г.

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС

№ Наименование показателей	Значение показателя (тыс. сум)
1. Долгосрочные активы	965476
2. Оборотные активы	5358761
Всего активов	632437
3. Источники собсвенных средств в т.ч.	
Уставный фонд	48667
4. Обязательства	5390618
Всего по пассиву баланса	933619

ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ

№ Наименование показателей	Значение показателя (тыс.сум)
1. Выручка от реализации продукции (работ, услуг)	2952104
2. Финансовый результат (прибыли или убытки) от общехозяйсвенной деятельности	157965
3. Чистая прибыль (убыток) за отчетный год	76726

Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена независимым аудитором фирмы «Глоба аудит», лицензия № 00190 от 5.09.2001 г. Акционеры могут ознакомиться с информацией (материалами), подлежащей представлению акционерам при подготовке общего собрания в Наблюдательном Совете по адресу: г. Ташкент, ул. М.Ашрафи, 106.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

Баҳорнинг илк кунларида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан «Шоир ва талаба мулоқоти» мавзуида адабий анжуман бўлиб ўтди.

Учрашувни университет ректори, техника фанлари номзоди, профессор Баҳром Қодиров очиб, сўзни халқ шоирига берди. Элимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов бугунги осойишта, дориломон кунларимиз ва адабиётнинг ижтимоий фаолияти хусусида гапириб, ўзининг янги шеърларидан ўқиди. Талабаларнинг саволларига жавоб берди. Университет ҳаваскорлари ижросидаги шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар қатнашчиларга завқ бағишлади.

Қисқаси, бу анжуман чинакамига баҳор ва шеърият байрамига айланиб кетди.

■ Сарвар ЎРМОНОВ

ТАҚДИМОТ

ТАРИХ – ЯНГИ ДУНЁҚАРАШ КЎЗГУСИДА

Тарихсиз келажак йўқ. Ҳаққонийлик эса тарих учун энг муҳим заруратдир. Маълумки, 1998 йил Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзРФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш» тўғрисидаги қароридан



сўнг илм даргоҳига республикада тарих соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий марказ мақоми берилди.

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг янги чоп этилган нашрлари тақдимоти бўлиб ўтди. Тарихчилар байрамига айланган ушбу тадбирда таниқли олимлар, жамоатчилик вакиллари, зиёлилар иштирок этдилар.

1999-2001 йиллар мобайнида тарихчи олимлар томонидан 19 та монография, 19 та илмий, илмий-оммабоп рисолалар, 1 та дарслик нашр қилинди.

Янги нашрларда асосан ўзбек давлатчилиги тарихининг долзарб муаммолари, халқимизнинг ўтмиши, ўз ечимини топмаган қатор тарихий жараёнлар, чигал воқеа-ҳодисалар аниқ манбалар, архив маълумотлари, илмий адабиётлар асосида очиб берилган. Ўзбек ва рус тилида чоп этилган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» монографияси, «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» китоби, «Қадимги Нахшаб», Туркистон XX аср бошида: миллий мустақиллик сарчашмалари» монографияси, каби қатор илмий ишларда тарихимиз ҳаққоний акс эттирилганлиги таъкидланди. Айниқса, таниқли олим марҳум Карим Шониёзовнинг ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганишга бағишланган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» китоби тарих фанининг энг мураккаб масалаларига бағишланганлиги билан қимматлидир.

Яна бир ютуқлардан бири — 10-синф учун янги Ўзбекистон тарихи дарслиги яратилди.

Мустақиллик даври тарихига оид илмий асарлар тақдимотида сўзга чиққан олимлар ҳали бу борада кўп ишлар амалга оширилиши зарурлигини таъкидлашди.

■ Саида САЙХУН

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Юртимизга Наврўз келмокда. Маҳалла-кўйларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқаётир.

— Ўз уйини, маҳалласини, юртини азиз билган одам гул парваришласин, — дейди Қибрай туманидаги «Ўнгқўрғон» ширкат хўжалигида яшовчи Фазлиддин Абдурасулов. — Ахир гул борлиқни гўзалликка буркайди. Кўнгилларга баҳорий илиқлик, хушкайфият бағишлайди. Мен 300 туп кўчат етиштирдим.

Наврўз арафасидаги шанбаликни ҳар жиҳатдан самарали ўтказиш бўйича Тошкент вилоят ҳокимлигида ишчи гуруҳи тузилди. Наврўзолди шанбалигида беш юз эллик миллион сўм атрофида маблағ ишлаб топиш кўзда тутилмокда.

Тошкент туманидаги Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда 4 минг туп мевали ва шунча микдорда гул кўчати ўтказилади, — дейди ҚФЙ котиби Шавкат Дўстмуҳамедов. — Ана шу юмушлар охирлагач эл олдида дастурхон ёзилади. Дошқозонларда баҳорнинг тансиқ неъмати — сумалак ва ҳалим пиширилади.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тинчлик барчага ана шундай хуш кайфият, ғайрат-шижоат, завқ-шавқ улашмокда.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ

СПОРТ

ЖАСОРАТУ МАТОНАТ КЎРИГИ

ТОШКЕНТДА КАРАТЭ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Куни кеча пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида ўтказилган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир ярим мингга яқин каратэчи иштирок этди.

Чемпионатнинг очилиш маросими ҳам ўзига хос кўриниш олди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов юртимизда каратэ оммалашиб бораётгани, эндиликда ҳар бир ёшнинг қалбида унга нисбатан меҳр пайдо бўлгани ҳақида тўхталиб, мусобақа қатнашчиларига омад тилади. Жами 50 дан зиёд жамоа иштирокидаги беллашувларда Тошкент клублари қатнашчилари энг кўп очко йиғишди. Ката мусобақаларидан сўнг бошланган кумитэ баҳсларида 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган ёшлар татамига тушишди.

Чемпионатнинг учинчи куни 1988-84 йилларда туғилган болалар ўртасидаги кумитэ баҳслари билан бошланди. Умидли ёшлардан барча вазн тоифаларида финалчилар маълум бўлгач, марказий татамига жамоалар чақирилди. Шу ўринда айтиш керакки, тошкентлик спорт усталигига номзодлар бошқаларга ўрнак кўрсатиб, асосий босқичга энг кўп йўлланмани қўлга киритишди.

Қизғин ўтган баҳсларда асосан «Каратэ-1», «Каратэ», «Азамат-Карим» клублари тарбияланувчилари мутлақ ғолиблик учун кураш олиб боришди. Финалда «Каратэ» клуби аъзоси О. Қосимов (мутлақ вазн) ғолиб чиқди. С.Мирзамуҳамедовга иккинчи, Икром Каримовга



учинчи ўринлар насб этди.

Финал мусобақалари якунлангач, ғолибларга медаль ва дипломларни топшириш маросими бўлди. Энг кўп медаллар шодасини Тошкентнинг «Профессионал», «Азамат-Карим» клублари, кейинги ўринларни «Қашқадарё» ҳамда «Аҳмадшоҳ» (Андижон) жамоалари эгаллашди. Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов чемпионлар халқаро майдонларда ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этишларига умид билдирди.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ

✧✧✧

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

ҚЎЛ ЖАНГИ

Яқинда Термиз шаҳрида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси спортчиларидан ташқари, қўшниларимиз — Қирғизистон вакиллари ҳам иштирок этишди. Баҳслар асосан икки гурухда — 14-15 ва 16-17 ёшлилар ўртасида ташкиллаштирилди.

Чемпионатда қирғизистонлик спортчиларнинг ҳам қатнашганлиги мусобақанинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Икки кунлик қизғин кечган баҳсларда республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти терма жамоаси курашчиларига тенг келадигани топилмади. Умумжамоа ҳисобида динамочилар бош совринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин мезбонларга насиб этган бўлса, пойтахт вилояти шарафини ҳимоя қилган Бекобод шаҳри спортчилари бронза медалини қўлга киритишди.

■ Эркин ХОЛБОБО

БОЛАКАЙ ДУРАНГГА ЭРИШДИ

11 ёшли инглиз Дэвид Хауэлл шахмат бўйича ўтказилган блицтурнирда жаҳон чемпиони Владимир Крамник билан ўзаро дона суриб, ҳисобни дуранг қилишга эришди. У 8 ёшидаёқ гроссмейстер билан ўйнаб ғалаба қозонган эди. «Бу болакай билан дона суришим мен учун ўзига хос руҳий ҳолатни юзага келтиришини билардим, — дейди Крамник. — Зеро, унинг дадиллиги келажакда жаҳон чемпиони бўлиши мумкинлигидан нишонадир».

ХОТИНИНИНГ СЎЗИГА КИРИБ

«Манчестер Юнайтед» футбол клубининг бош мураббийси Алекс Фергюсон 2005 йилга қадар клуб билан тузилган янги шартномага имзо чекди. Унинг бундай қарорга келишига хотини Александра Кэти мажбур қилди. Рафиқасининг сўзини ерда қолдирмаган бош мураббий амалдаги шартномасини яна уч йилгача чўзишга мажбур бўлди.

ОЛИМПИЯЧИЛАР ТАЙЁРЛАШГА 200 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Россияда бўлажак қишки ва ёзги олимпия ўйинларига муносиб спортчилар ҳозирлаш учун камида 200 миллион доллар керак бўлар экан. Яқинда ўтказилган матбуот йиғилишида Россия олимпия қўмитаси раҳбари Леонид Тягачев мухбирларга ана шундай фикрни айтди. Мақсад мамлакатда етарли моддий базани яратиб, спортчилар учун қулайликларни вужудга келтиришдир. Маълумки, навбатдаги ёзги олимпия ўйинлари 2004 йили Грецияда, қишкиси эса 2006 йили Италияда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик институти касаба қўмитасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси партия фаоли Раҳимбердиев Абдурашид отанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 8 март, жума куни чиқади

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Олтин куз» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2002 йил 26 февраль куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

т/р	Ютуқ миқдори сўмда	Ютуқли ҳисоб варақ
1	1000000	Халқ банки Андижон вилояти Асака шаҳар 3572-сонли бўлими ОЛ-5 рақамли ҳисоб варағи
2	200000	Халқ банки Сурхондарё вилояти Шеробод тумани 3616-сонли бўлими ОЛ-6 рақамли ҳисоб варағи
3	200000	Халқ банки Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 3627/033-сонли бўлими ОЛ-16 рақамли ҳисоб варағи
4	100000	Халқ банки Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани 3628-сонли бўлими ОЛ-35 рақамли ҳисоб варағи
5	100000	Халқ банки Андижон вилояти Асака шаҳар 3572-сонли бўлими ОЛ-37 рақамли ҳисоб варағи
6	100000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Касби тумани 8019/09-сонли бўлими ОЛ-7 рақамли ҳисоб варағи
7	50000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Косон тумани 3600/040-сонли бўлими ОЛ-2 рақамли ҳисоб варағи
8	50000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар 1287-сонли бўлими ОЛ-6 рақамли ҳисоб варағи
9	50000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Ғузор тумани 3605/046-сонли бўлими ОЛ-1 рақамли ҳисоб варағи
10	50000	Халқ банки Андижон вилояти Избоскан тумани 3577/07-сонли бўлими ОЛ-3 рақамли ҳисоб варағи
11	25000	Халқ банки Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 3649-сонли бўлими ОЛ-93 рақамли ҳисоб варағи
12	25000	Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани 529/044-сонли бўлими ОЛ-2 рақамли ҳисоб варағи
13	25000	Халқ банки Андижон вилояти Қорасув тумани 8494-сонли бўлими ОЛ-13 рақамли ҳисоб варағи
14	25000	Халқ банки Тошкент шаҳар Миробод тумани 14/0369-сонли бўлими ОЛ-1 рақамли ҳисоб варағи

Ҳайъат раиси — Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти молия бўлими мудири Н.Ш. ФАТТАҲОВ

Масъул котиб — Халқ банки бошқаруви жамғарма ишларини ривожлантириш ва мониторинг бўлими бошлиғи М. Ж. САИДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Ассалом янги йил» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2002 йил 26 февраль куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

т/р	Ютуқ миқдори сўмда	Ютуқли ҳисоб варақ
1	1000000	Халқ банки Фарғона вилояти Данғара тумани 5995/09-сонли бўлими АЯ-14 рақамли ҳисоб варағи
2	500000	Халқ банки Наманган вилояти Чортоқ тумани 8476/05-сонли бўлими АЯ-5 рақамли ҳисоб варағи
3	100000	Халқ банки Жиззах вилояти Пахтакор тумани 7950/011-сонли бўлими АЯ-1 рақамли ҳисоб варағи
4	100000	Халқ банки Самарқанд вилояти Нарпай тумани 3610/04-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи
5	100000	Халқ банки Самарқанд вилояти Ғўзалкент тумани 8661/026-сонли бўлими АЯ-4 рақамли ҳисоб варағи
6	100000	Халқ банки Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 3650-сонли бўлими АЯ-15 рақамли ҳисоб варағи
7	100000	Халқ банки Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 3553/047-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи
8	50000	Халқ банки Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани 4882/025-сонли бўлими АЯ-1 рақамли ҳисоб варағи
9	50000	Халқ банки Бухоро вилояти Ф. Хўжаев тумани 8677-сонли бўлими АЯ-8 рақамли ҳисоб варағи
10	50000	Халқ банки Сирдарё вилояти Ш. Рашидов тумани 7948/03-сонли бўлими АЯ-5 рақамли ҳисоб варағи
11	50000	Халқ банки Наманган вилояти Учқўрғон тумани 3632/063-сонли бўлими АЯ-8 рақамли ҳисоб варағи
12	50000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Косон тумани 3600/060-сонли бўлими АЯ-1 рақамли ҳисоб варағи
13	50000	Халқ банки Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани 2174-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи
14	50000	Халқ банки Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 3649/0349-сонли бўлими АЯ-6 рақамли ҳисоб варағи
15	50000	Халқ банки Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар 1287-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи
16	50000	Халқ банки Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 1340-сонли бўлими АЯ-13 рақамли ҳисоб варағи
17	50000	Халқ банки Хоразм вилояти Боғот тумани 8018-сонли бўлими АЯ-4 рақамли ҳисоб варағи
18	50000	Халқ банки Фарғона вилояти Данғара тумани 5995/03-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи
19	50000	Халқ банки Хоразм вилояти Боғот тумани 8018-сонли бўлими АЯ-14 рақамли ҳисоб варағи
20	50000	Халқ банки Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 3650-сонли бўлими АЯ-3 рақамли ҳисоб варағи
21	50000	Халқ банки Хоразм вилояти Ургенч шаҳар 734-сонли бўлими АЯ-34 рақамли ҳисоб варағи
22	50000	Халқ банки Фарғона вилояти Тошлоқ тумани 3633/039-сонли бўлими АЯ-7 рақамли ҳисоб варағи
23	50000	Халқ банки Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани 3628/0257-сонли бўлими АЯ-1 рақамли ҳисоб варағи
24	50000	Халқ банки Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар 2280-сонли бўлими АЯ-18 рақамли ҳисоб варағи
25	50000	Халқ банки Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 1340/09-сонли бўлими АЯ-3 рақамли ҳисоб варағи
26	50000	Халқ банки Андижон вилояти Бўз тумани 8491-сонли бўлими АЯ-14 рақамли ҳисоб варағи
27	50000	Халқ банки Фарғона вилояти Боғдод тумани 3596/027-сонли бўлими АЯ-2 рақамли ҳисоб варағи

Ҳайъат раиси — Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти молия бўлими мудири Н.Ш. ФАТТАҲОВ

Масъул котиб — Халқ банки бошқаруви жамғарма ишларини ривожлантириш ва мониторинг бўлими бошлиғи М. Ж. САИДОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA